

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ХАБИБУЛЛАЕВ САИДАЗИЗ ШОХСУВАРОВИЧ

**УГЛЕВОДОРОД БУҒЛАРИНИ САМАРАЛИ ТУТИБ ҚОЛИШ ВА
УЛАРНИНГ ЗАРАРЛИ ТАЪСИРИНИ КАМАЙТИРИШ УСУЛЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.08- Нефть ва газ кимёси ва технологияси
(техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Хабибуллаев Саидазиз Шохсуварович

Углеводородларнинг буғларини самарали тутиб қолиш ва уларнинг
зарарли таъсирини камайтириш усулларини
такомиллаштириш..... 3

Хабибуллаев Саидазиз Шохсуварович

Совершенствование способов эффективного улавливания паров
углеводородов и снижение их вредного воздействия..... 19

Khabibullaev Saidaziz Shoxsuvarovich

Development of the efficient systems and ways of to catch pairs
hydrocarbon, as well as reduction their bad influence..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 38

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАН ДОКТОРИ ИЛМий ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.27.07.2017.T.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ХАБИБУЛЛАЕВ САИДАЗИЗ ШОХСУВАРОВИЧ

**УГЛЕВОДОРОД БУҒЛАРИНИ САМАРАЛИ ТУТИБ ҚОЛИШ ВА
УЛАРНИНГ ЗАРАРЛИ ТАЪСИРИНИ КАМАЙТИРИШ УСУЛЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

02.00.08- Нефть ва газ кимёси ва технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/T154 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (ik-kimyo.nuu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мухамедғалиев Бахтиёр Абдукадирович
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Икрамов Абдувахаб
техника фанлари доктори, профессор

Юсупов Фарход Махкамович
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий тадқиқот
институты

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.04.01 рақамли Илмий кенгашининг 2017 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси 32. тел: (99871)244-79-20, факс: (99871)244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz.

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч.32. тел: (99871)244-79-20).

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

С.М. Туробжонов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.С. Ибодуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

Г.Р.Рахмонбердиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда нефтни қайта ишлаш, нефть маҳсулотларини ташиш ва сақлаш жараёнларида табиий ва сунъий йўқотилишлар туфайли 10 млн. тоннадан ортиқ углеводород буғлари атмосферага чиқарилиб, экологик ва иқтисодий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Технологик жараёнларда углеводород буғларининг сақлаш резервуалардаги буғланиш ҳисобига йўқотилиши умумий нефть маҳсулоти миқдорининг 0,4-0,6 % ни ташкил этиб, углеводород буғларини тутиб қолиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади¹. Бу борада буғланиш жараёнидаги йўқотилишларни камайтириш ҳамда углеводород буғларини тутиб қолишда янги технологияларни яратишга илмий тадқиқот ишлари йўналтирилган.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида нефтни қайта ишлаш ва сақлаш саноатида нефть буғланиши орқали йўқотилиши билан боғлиқ муаммоларни ечишда янги технологияларни ва конструкцияларни ишлаб чиқиш, углеводород буғларини тутиб қолиш ва уларнинг зарарли таъсирини, атроф-муҳитга ташланаётган углеводородлар миқдорини камайтириш ҳамда иқтисодий самарадорликка эришишда, углеводород буғларини рекуперациялашда конденсацион абсорбция усуллари қўллаш, конденсациялашда содда технологиялардан ва совитиш ишчи агентларидан фойдаланиш, сақлаш технологияларини соддалаштириш, енгиллаштириш мақсадида понтонларнинг шаклини ўзгартириш, резервуарлар саройида нефть маҳсулотларини сақлаш жараёнида, уларнинг йўқотилишини камайтиришга илмий тадқиқотлар йўналтирилган.

Республикамиз мустақилликка эришгач нефтни қайта ишлаш саноатини ривожлантириш ва улар асосидаги маҳсулотларни сақлашда, ташишда йўқотилишни камайтириш бўйича муайян ютуқларга эришилди. Мазкур йўналишда амалга оширилган чора-тадбир асосида нефть маҳсулотларини, сақлаш, ташиш жараёнларида йўқотилишни камайтириш учун резервуарларда янги турдаги понтонлар углеводород буғларини тутиб қолиши учун адсорбентлар, сирт фаол моддаларни жорий этиш борасида муҳим натижалар олинди. Шу билан биргаликда пенополиуретан ва конденсаторларни олиш ҳамда улардан ишлаб чиқаришда фойдаланишга етарлича эътибор қаратилмаган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, «саноатни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, маҳаллий хомашё манбаларини чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ўзлаштириш»² вазифалари белгилаб берилган. Бу борада нефтни қайта ишлаш саноатида нефть маҳсулотларини сақлаш иншоотларидаги буғланиш жараёнини камайтириш

¹ Коннова Г.В., Оборудование транспорта и хранения нефти и газа. - Ростов н/д.:Феникс,2007.-128с.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ва йўқотилишларни пасайтиришда турли конструкцияга эга понтонли, сузиб юривчи қопқокли резервуарларни ҳамда наноструктурага эга бўлган сорбцион технологияларни яратиш устида илмий ишларнинг олиб борилиши муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон «2015-2019 йилларда ишлаб чиқариш таркибини ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилинишини таъминлаш чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ-2915-сон «Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, тўпланиши, сақланиши, ташилиши, утилизация қилиниши, қайта ишланиши, кўмилиши, реализациясини назорат қилиш инспекцияси фаолиятининг ҳуқуқий асослари тўғрисида»ги фармонлари ва қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Углеводород буғларини тутиб қолиш технологиясини такомиллаштириш бўйича И.И.Бударова, Е.Н.Калайтан, Ф.Ф.Абузова, В.И.Черников, В.И. Бердникова, А.М. Кутепова, П.П.Мальцева, Тошихисса Уэда, L.S. Wang, С.Е.Carraherлар, А. Султонов, М.П. Юнусов, З.Салимов, Б.Н. Хамидов, Н.Д.Рябова, Ф.М. Юсуповлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Углеводород буғларини тутиб қолиш технологиясига оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйиш-тўкиш жараёнларидаги буғланиш орқали бензин йўқотилишини миқдорий ҳисоблаш, ер ости, чуқурликдаги резервуарлар, суюқ фазага углеводородларни конденсациялашда босимни ўзгартирмасдан совитгичлар билан буғ ҳаво аралашмасини совитиш, буғни конденсациягача совитиш билан биргаликда аралашмани сиқиш, қаттиқ пенопластикли понтон каби изланишлар олиб борилган ва ишлаб чиқаришга жорий этилган.

Шу билан бирга углеводород буғларини тутиб қолиш ва уларнинг зарарини камайтириш бўйича адсорбент усулида тутиб қолиш ва регенерациялаш, углеводод буғларини абсорбция усулида конденсаторлар ёрдамида рекуперациялаш, ёнғин хавфсизлигини таъминлашда янги композицион полимерларни қўллаш, понтонли резервуарларнинг шаклини такомиллаштириш орқали зарарли таъсирини камайтириш, абсорбцион енгил углеводород фракцияларни тутувчиларнинг янги енгил фракцияли углеводород фракцияларини тутиб қолиш жараёнларини мақбуллаштириш ва жараённи математик моделлаштириш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-7-198 «Ўзбекистон янги нефтларини тадқиқотлаш ва уларни рационал ишлатиш йўллари топиш» (2005-2008) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади нефть маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва узатиш жараёнларида углеводородларнинг буғларини самарали тутиб қолиш технологиясини такомиллаштиришдан иборатдир.

Тадқиқот вазифалари:

юпқа деворли конденсаторни қўллаш билан нефть маҳсулотлари буғларини тутиб қолиш механизми асосида жараённинг технологиясини оптималлаштириш;

сиғимларни тўлдиришнинг оптимал вариантлари ва усулларини моделлаштириш ҳамда углеводородларнинг буғланишини камайтириш учун резервуарлар шаклини такомиллаштириш;

технологик жараёнда суюқликнинг тўкилиши ва томчилашида атмосферадаги ташланмаларни камайтириш технологияларини ишлаб чиқиш;

резервуарлар учун пенополиуретан понтонларини такомиллаштириш ва уларнинг амалий хусусиятларини аниқлаш;

нефть маҳсулотларининг буғланишини камайтиришда республикамизнинг иқлим шароитига мос такомиллашган технологияни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида вертикал пўлат резервуарлар, сузиб юрувчи қопқоқ, алюминли, пўлат ва синтетик понтонлар, ўрамли понтонлар ва резинали тент олинган.

Тадқиқотнинг предмети турли русумдаги нефть маҳсулотлари, ҳар хил октан сонли бензинлар, керосин, дизель ёқилғиси, мазут, присадкалар, пенополиуретан, пенопласт, инерт газлар, ўтга чидамли полимер композициялари.

Тадқиқот усуллари. Кимёвий, физик-кимёвий, технологик, гравиметрик, аналитик ва замонавий компьютер дастурлари ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

юпқа деворли конденсаторни қўллаш билан нефть маҳсулотлари буғларини тутиб қолиш механизми асосида жараённинг технологияси оптималлаштирилган;

сиғимларни тўлдиришнинг оптимал вариантлари ва усулларини моделлаштириш ҳамда углеводородларнинг буғланишини камайтириш учун резервуарлар шакли такомиллаштирилган;

технологик суюқликнинг тўкилиши ва томчилашида атмосферадаги ташланмаларни камайтириш технологиялари ишлаб чиқилган;

резервуарлар учун пенополиуретан понтонлар такомиллаштирилган ва уларнинг ўлчамлари аниқланган;

махаллий хомашёлардан республикамизнинг иқлим шароитига мос такомиллашган понтон олиш таркиби ва ишлатиш технологияси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагиларда ўз аксини топган:

углеводород буғларини суюқ фазага айлантириш учун янги поғонали совитиш тизимлари кўрсатилган;

юқори қисмига махсус бир неча куб бўш ҳажмли тент ўрам қўшиш орқали резервуар қобиғи бўшлиғини эгаллаши ҳисобига буғланиш жараёнининг камайиши кўрсатилган;

пенополиуретан понтонларининг таркибига полимерларни қўшиш орқали композициянинг оловбардош бўлиши кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотларнинг асослаб берилганлиги соф буғ ҳаво аралашмаси, углеводород буғлари, ўтга чидамли таркибли полимерлар таркиби ва тузилиши, газ-суюқлик ва юпқа қаватли хроматографлар, газанализаторлари, ИҚ-спектроскоп ёрдамида элементар таҳлил қилинди ва изоҳланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти нефть маҳсулотларини резервуарларда қуйиш-тўкиш жараёнларида буғланишдаги ёқилғининг йўқотилишини самарали камайтириш, уларни тутиб қолиш учун юпқа конденсаторли совитиш тизимидан фойдаланиш ҳамда нефть маҳсулотлари омборларидаги ёниш ва портлаш жараёнларининг хавфини камайтиришда ўтга чидамли понтонларни, резервуарларни такомиллаштириш бўйича олинган янги натижалар илмий асослари яратилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий хомашёлар асосида оловбардош пенополиуретан понтонни ишлаб чиқиш таркиби ва технологияси яратилганлиги ҳамда юпқа конденсаторли совитиш технологияси асосида углеводород буғларини тутиб қолиш тизимининг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан изоҳланди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Углеводород буғларини самарали тутиб қолиш ва зарарли таъсирини камайтириш усуллари такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ўтга чидамли полимер композицияни олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ихтирога патенти олинган (IAP 05264. 2016). Натижада пенополиуретан понтонларнинг янги турини олиш имконини берган;

пенополиуретан асосида яратилган понтонлар «Ўзбекнефтегаз» МХК нефть маҳсулотларини сақлаш иншоотларига жорий этилган («Ўзбекнефтегаз» МХК 2017 йил 13 апрелдаги 01/13-565-сон маълумотномаси). Натижада ҳориждан олиб келинаётган понтонлар миқдори 60%га камайтириш имконини берган.

яратилган юпқа деворли конденсатор қўлланилиши асосида углеводород буғларини тутиб қолиш технологияси нефть маҳсулотларини сақлаш резервуарларида жорий қилинган. («Саноатгеоконтехназорат» Давлат Инспекциясининг 2017 йил 31 октябрдаги 03/50-сонли маълумотномаси).

Натижада корхонада понтонлар ва сузиб юрувчи копқокли резервуарларда углеводородларни сақлашда тирқишлар орқали йўқотилишни бартараф этиш ҳисобига атроф муҳит муҳофазаси таъминлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, 1 та патент, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ТАРКИБИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Нефть маҳсулоти буғларини тутиб қолиш муаммоларининг ҳозирги ҳолати**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар асосидаги материаллар таҳлили, қуйиш-тўкиш жараёнларини амалга оширишда буғланиш орқали бензиннинг йўқотилишини миқдорий ҳисоблаш усуллари такомиллашиб борганлиги белгиланган. Резервуар қурилмалари ва конструкцияларининг нефть маҳсулотлари хусусиятлари билан кескин мос тушмаслиги нефть маҳсулотлари йўқотилишининг асосий сабабчиси бўлиши кўрсатилган. Комплекс таҳлиллар асосида энергетик, экологик ва эксплуатацион самара берувчи ҳамда самарадорлик нархи омили жиҳатидан газ аралашмасидаги углеводород буғларини тутиб қолишнинг энг сифатли ва энг келажаги бор усуллари сифатида, буғ ҳаво аралашмасини (БХА) абсорбент ёрдамида совитиш орқали углеводород буғларини абсорбция усулида тутиб қолиш ҳисобланиб, оқимга қарши тартибда давомий десорбция усули ишлатилиши кўрсатилган. Нометалл материалларни қўллаш йўли билан понтонлар конструкцияларини энгиллаштириш имконияти ўрганилган.

Диссертациянинг «**Углеводородларнинг буғланиш жараёнини математик моделлаштириш ва буғларни самарали тутиб қолиш**

технологиясини ишлаб чиқиш» деб номланган иккинчи бобида енгил углеводород фракцияларининг буғланиш жараёни натижалари тизимли ўрганилиб, тўлиқ муҳокама этилган. Ўзбекистон Республикасидаги нефть маҳсулотлари бўйича муҳокамалар ва натижалар келтирилган. Фарғона (ФНҚЗ) ва Бухоро (БНҚЗ) нефтни қайта ишлаш заводларида углеводород маҳсулоти сифатида нефтгазконденсат аралашмалари ишлатилади, бу ерда нефть ва газ корхонага табиий келишига қараб, конденсатнинг аралашмадаги газконденсат улуши етарли кенг чегараларда ўзгаради. Амалиётда аралашмадаги газконденсатнинг улуши 35% дан 65% гача ўзгаради. Шунинг учун углеводород буғларини тутиб қолиш технологик жараёнини тезкор бошқаришда нефть маҳсулотларининг асосий физик-кимёвий хусусиятларини билиш талаб этилади, масалан, зичлиги, кинематик қовушқоқлиги ва бошқалар.

1-жадвалда 60Н+40ГК компонентли муносабатда, +20°C дан +60°C гача ҳароратларда, НКЗга келтириладиган нефтнинг кинематик қовушқоқлиги ва зичлиги келтирилган.

Ҳисоблаш йўли билан ёзги мавсумда стандарт шароитда РВС-1000 резервуарини тўлиқ тўлдирилганда, буғланиш ва ташланмалар ҳаво буғ аралашмаси билан биргаликда атмосферага 1 тонна атрофида нефть маҳсулотлари ажралиб чиқиши аниқланди. Бу нефтни ташиш ва сақлашда технологик жараёнлар ва техник воситаларнинг номукамаллиги билан боғлиқ. Резервуардаги нефть маҳсулотининг буғланиш орқали йўқотилишини камайтириш воситаларини танлаш уларнинг катталиги билан боғлиқлиги туфайли, унинг қийматини баҳолаш зарурлиги келиб чиқади.

1-жадвал

Нефть маҳсулотининг кинематик қовушқоқлиги ва зичлигининг қиймати

Т, °C ҳарорат	Нефть маҳсулотлари (Н)	Газконденсат (ГК)	Зичлиги, кг/м ³	Кинематик қовушқоқлиги, мм ² /с
20	853	759	815	2,68
30	845	750	807	2,37
40	836	742	800	1,96
50	828	734	790	1,73
60	820	728	784	1,53


Ишлаб чиқилган қурилмада конденсат-сепарацион жараённи ўрганиш учун пилот қурилма маҳкамланган бўлиб, уни тайёрлаш вақтида жараённинг кенг кўламда параметрларининг мослашиш имконияти ҳисобга олиниб, саноатда ҳам ишлатиладиган ҳамда БХА турли муносабатдаги компонентлари намунаси билан синаш имконияти пайдо бўлди. Қурилманинг автоном иш тартибида БХАдаги аралашма концентрацияси, газ ҳаво алашмасининг (ГХА) ҳарорати ва чизиқли тезлиги кенг кўламда берилиши мумкин. Бензин буғларининг конденсацияланиш динамикасига турли омилларнинг таъсири -бензин концентрацияси, чизиқли тезликнинг таъсири ўрганилган. Тадқиқот натижасида БХА оқимининг тезлигини (0,1

м/сек дан 0,7 м/сек гача) бензиннинг конденсацияланиш динамикаси параметрларига таъсири аниқланиб, БХАси оқимининг тезлигини ошириш конденсация вақтини ва динамик активлигини камайтиради (1-расм). Шу аниқликдаги бу катталик юпка қатламли конденсатор учун ўзгармас бўлиб, фақат эксперимент шартларини алмаштирганда ўзгаради. Бу масса алмаштириш нуқтаи назаридан тушунтирилиши мумкин бўлиб, тезликнинг ошиши билан оқимининг турбулизация жараёни кузатилади.

Ўрнатилган тартибда масса узатиш коэффиценти $K_{ни}$ аниқлаш учун дисперс фазанинг таркиби хроматографик усулда таҳлил қилинди. Параллел аниқликлар орасидаги рухсат этилган фарқ 0,3 КОНни ташкил қилди. Конденсациянинг ва бугнинг ҳажми ўлчанди, фазалар мутаносиблиги ўрганилди. Материал баланс бўйича бутун фазанинг охирги концентрацияси топилди:

$$X_k = X_n + \frac{G}{L}(Y_n - Y_k) \quad (1)$$

бу ерда: L -бутун фазанинг сарфи, m^3/c ; X_n, X_k - конденсатдаги углеводороднинг бошланғич ва охирги концентрацияси, $кг/м^3$; Y_n, Y_k - БХАдаги углеводороднинг бошланғич ва охирги концентрацияси, $кг/м^3$.



Биринчи тажрибада бошланғич концентрацияни нол деб, кейинги ҳар бирида олдингисини қабул қиламиз. Конденсатнинг миқдори қуйидаги ифода орқали ҳисобланади:

$$Y = \frac{K}{\frac{\rho_n M_{cp}}{M_{кон}}} / , кг/м^3 \quad (2)$$

бу ерда: K -нефть маҳсулотининг кислота сони, мг; ρ -нефть маҳсулотининг зичлиги, $кг/м^3$; M_{cp} -нефть маҳсулотининг ўртача молекуляр массаси, кг; $M_{кон}$ -калий гидроксидининг молекуляр оғирлиги, г.

Фазалар боғланиш вақти ўртача арифметик олинган катталик каби қабул қилинади. (1)-ифодадаги ҳаракатга келтирувчи куч (ΔY_m), ($\Delta Y_m < 2$ бўлганда) ўртача арифметик қиймат сифатида

$$\Delta Y_m = \frac{\Delta Y_n + \Delta Y_k}{2a} = \frac{(\Delta Y_n - \Delta Y_{cp}) + (\Delta Y_k - \Delta Y_{cp})}{2a} \quad (3)$$

ҳисобланади.

Буг – конденсат тизимининг мувозанат чизиғи (X_{pi}, Y_{pi}) координатларда эгриликка эга, температуранинг 40°C дан 20 °C га тушиши билан эгрилиги ошиб бориб тўғри чизиққа мос тушади:


$$Y_p = 1,965X_p \quad (4)$$

бу ерда: 1,965 – мувозанат доимийси бўлиб, тақсимлаш коэффициентини тескариқийматининг ўртача арифметик қиймати қабул қилинган. Тажрибада турли хил юзали D диаметрли конденсатор пластинкаларидан фойдаланиш юздан бирламчи томчилар ҳаракатининг тезлиги турли хил даражаларида иссиқлик бериш имкониятини берди.

Ҳосил бўладиган қатламнинг ҳар бир томчиси учун $K=f(d/D)$ боғлиқлик тўғри чизиқли ва доимий d ўлчам учун қуйидаги ифода кўринишида ёзилиши мумкин:

$$K=K_r-0,0344d/D \quad (5)$$

бу ерда K_r яхлит фазанинг чексиз ҳажмдаги оқим ҳаракати шароитида масса узатишининг ҳақиқий коэффициенти. Букааталик экстраполяция графигида тўғри чизиқли ординатагача топилиши мумкин. (5) ифода бўйича ва тажриба йўли билан ҳисобланган масса бериш коэффициентларининг ўртача четланиш коэффициенти $\pm 0,65\%$ ни ташкил этади. Бунда конденсатор юзасида тўкнашган молекулалар сони ўсиб боради. Бу ҳолда динамик фаол муҳитда бензин буғларининг конденсацияланиши ошиб боришини кутиш мумкин (2-расм).



1-0,8мм, 2-0,7, 0,65, 0,6 ва 0,55мм.

**2-расм. Буғлар
конденсацияланиши
тезлигининг конденсатордаги
пленканинг қалинлигига
боғлиқлиги**

Юза миқдорининг ошиши билан W камайишининг кузатилиши табиий, тўлиқ фазадаги буғлар нисбий тезлигининг камайиши, ички ҳаракатланмайдиган пластина деворида торайиб борадиган тўлиқ кесимда дросселланишга мажбур бўлади. 2-расмдан кўриниб турибдики, конденсаторнинг турли қалинликдаги қатламида БХАси оқимининг нисбий тезлигини характерловчи барча нуқталар тўғри чизиқни қоноатлантирадиган бўлиб жойлашди. Тажриба йўли билан шу нарса аниқландики, БХА оқими концентрацияси чизиқли тезлигининг ошиши, динамик активлиги ва конденсация вақтининг камайишига, бунда масса узатиш ҳудудининг узунлиги катталашишига олиб келади. Бензин буғларининг конденсацияланишида ($C=28 \text{ мг/л}, V=0,4 \text{ м/сек}$) олинган динамик характеристикалар ҳисобий маълумотлар билан яхши мос тушиши,

углеводородларнинг енгил фракция тутгичларини лойихалаш ва курилиш ишларида қўлланиши мумкинлиги экспериментал ва ҳисоблаш йўли билан аниқланди. Олинган экспериментал маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

БХА оқими тезлигининг конденсация динамикаси параметрига таъсири ($C=28$ мг/л, $T=30^{\circ}\text{C}$)


Оқим тезлиги, м/с	Конденсация юзаси, см^2	T, мин.	Конденсацияланган буғнинг ҳажми, $\text{м}^3/\text{мин}$	Жараён самарадорлиги, %
0,1	0,5x0,5	15	0,8	98
0,3	0,5x0,5	15	0,6	92
0,5	0,5x0,5	15	0,3	78
0,7	0,5x0,5	15	0,05	64

Шу билан ўтказилган тажриба ва ҳисобий тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган тутиб қолиш технологияси, унинг ишлаши юпқа деворли конденсаторда БХА ташланмаларини совитишга асосланган (3-расм), сўнгра газконденсат аралашмасини ажратиш (сепарациялаш) йўли билан конструкция ишлаб чиқилган. Конденсацияланиш ва абсорбцияланиш жараёни конденсацион-сепарацион мослама 4да амалга ошади. Газконденсат аралашмасининг сепарацияланишида қўшимча масса алмашилиш ва иссиқлик алмашилиш жараёнлари, шунингдек совуқ конденсатда конденсацияланмаган қисмининг эриши кузатилади.

Олинган натижада конденсат (маҳсулотнинг тикланиши), углеводород буғларини абсорбциялаб йиғади ва йиғиш сиғимига ўзи оқиб тушади. БХА ташланмаларининг қолган қисми ($2\div 3$ %) эжекторланиб, атмосферага $30\div 40$ м/сек тезликкача тарқалади. Иссиқлик кучланишининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда тутгичда (БХА ташланмалари ҳажмининг ўзгариши ёки унинг ҳарорати) 1 совитиш агрегатининг совитиш унумдорлиги автоматик тарзда ўзгариб, бу сарфланаётган қувватини тежаш имконини беради, бунда конденсациянинг берилган ҳарорати доимий тутиб турилади.

Конденсаторнинг турини аниқлашда асосий факторлар, конденсация тўла ёки қисман эканлигига, конденсация бир компонентли ёки кўп компонентли моддаларда бўлишига, конденсацияланмаётган компонентларнинг борлигига боғлиқ бўлади. Газ ҳароратининг тушиши билан шундай ҳолат кузатиладики, компонентлардан бири конденсацияланади. Табиийки, биринчи навбатда конденсация ҳарорати парциал босимда берилган бошланғич аралашмаси максимал бўлган компонент конденсацияланади. Берилган аралашмада компонентлар текис тақсимланган бўлса, у ҳолда бошланғич вақтда нормал ҳароратдаги конденсацияда максимал қийматга эга конденсат кўринишида тушади. Углеводород газларининг муҳим хусусиятларидан бири кўрсатилган: улар углеводород суюқликларида эрийди. Шунинг учун суюқ фазага фақат у компонентлар, яъни берилган ҳарорат ва парциал босим қийматида конденсацияланадиган, аммо бу ҳолатда критик ҳарорати аралашманинг ҳароратидан етарлича паст бўлганлари ҳам ўтади. Шунга ўхшаш

конденсаторлар кўпгина устунликка эга бўлади, чунки ҳосил бўладиган конденсат домий равишда совуқ девор ва буғ билан алоқада бўлади. Бу эса аралашма компонентларининг қайнаш ҳароратини кенг диапазонда конденсация ва абсорбцияланишини (эриши) таъминлайди.



1-насосли совутгич агрегат, 2-совуқ сув қузури, 3-бошқариладиган ғовак тўсиқ, 4-юпқа деворли конденсаторлар, 5,7-конденсациялашган нефтьмаҳсулоти учун қувор, 6-нефть маҳсулоти учун сиғим, 8-нафас олиш клапани, 8'-нафас олиш клапани сирти; L-конденсатор ва клапан орасидаги масофа.

3-расм. Юпқа деворли конденсатор билан углеводород буғларини тутиб қолиш технологик схемаси

Оралиқ иссиқлик ташувчи билан технологик схема танлашда асосий сифатда энг кўп қурилма учун интилишларининг асосланиши, углеводород буғларини рекуперациялаш жараёнининг ёнғин портлаш ҳавфлилигини максимал пасайтириш, саноат масштабида қўлланишида насос ва совитиш қурилмаларини ишлатиш имконияти ва уни ҳавфсиз масофада жойлаштириш кераклиги, турли маҳсулотларни рекуперациялашни бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлди.

Ишлаб чиқилган технологиянинг асосий ўзига хос хусусияти юпқа деворли конденсатор билан тўсиқни механик бошқариш имконияти ҳисобланиб, иқлим факторларига (шамол тезлиги, ҳаво ҳарорати ва б.) ва метео ва об-ҳаво шароитларига боғлиқ бўлади. Углеводород буғларининг

конденсаторга сўрилиши пневматик тарзда амалга оширилади. Биз томондан ишлаб чиқилган БХА ташланмаларини конденсат-абсорбцион ва сепарацион рекуперациялаш технологиясининг асосий устунлиги углеводородларни қуйиш-тўкиш ва сақлаш жараёнларида қуйидагилар ҳисобланади: абсорбентни утилизациялаш ва сотиб олишда харажатнинг йўқлиги; қурилманинг минимал гидравлик қаршиликка эгалиги; асосий технологик жараённинг автоматлаштирилганлиги; ҳудудда совитиш қурилмасига кенг кўламда сервис ва хизмат кўрсатиш имконияти ҳамда тўхтовсиз юқори ишончлиликка эга бўлиши ҳисобланади.


Ўтказилган тадқиқотлар натижасида, ЕУФ таркиби турлича бўлиши ва ишлатилаётган нефть маҳсулотининг турига боғлиқлиги аниқланди. Бухоро НКЗ бензинини сақлаш ва юклашда ЕУФ қуйидаги асосий таркибдан иборат: пропан, бутан, пентан, гексан ва уларнинг изомерлари. Нефтни юклашда ЕУФларининг таркибига кўрсатилган компонентлардан ташқари: метан, этан, бензол ва уларнинг аралашмалари киради.

Шундай қилиб, экспериментал тадқиқотлар натижасида биз томондан ишлаб чиқилган нефть маҳсулотларининг буғларини тутиб қолиш учун юпқа деворли конденсаторни ишлатиш имконияти яратилди. Нефть омборларида ва нефтни қайта ишлаш заводларининг тиниқ нефть маҳсулотлари резервуарлари саройида ёнғин ва портлаш эҳтимолини ҳамда атмосфера ҳавоси ифлосланишининг камайишига олиб келди.

Диссертациянинг **«Енгил учувчан углеводород фракциялари буғланишини камайитириш учун резервуар ва понтонларнинг такомиллашган шаклини ишлаб чиқиш»** деб номланган учинчи бобида резервуардаги нефть маҳсулотлари буғларининг буғланишини камайитириш учун, муҳим ечим, резервуар қобиғини такомиллаштириш ҳисобланиб, шу асосда резервуар (4-расм) қобиғининг юқори қисмига бир неча куб ҳажмли махсус бўш доира белбоғ қўшиш, унинг инерт газ билан тўлдирилиши (азот ва бошқ.) кўрсатилган.

Резервуарнинг ички томонида, юқори ва пастки қисмига махсус мой ва бензинга турғун икки қатламли резинали тент мустаҳкамланади. Тент қаватлари орасига бир қанча тирқишлар тешилиб, ҳалқали бўш ўрам орқали инерт газ тентни шишириб ҳамма тирқишлар ва тешикларни зич беркитиб, нефть маҳсулоти буғланиш манбаларини камайтиради. Нефть маҳсулотининг ҳажмига боғлиқ ҳолда тент ёстик шиширилиб ва сиқилиб, натижада нефть маҳсулотларининг самарали сақланиши таъминланиб, нефть омборининг экологик муаммолари ҳал этилади.

Таҳлиллар натижасида (3-жадв.) такомиллашган резервуар атрофидаги ҳаво бўшлиғида нефть маҳсулоти буғларининг буғланиши етарли даражада ва қисқа муддатда камайиши кузатилиб, бу ҳолда резервуарнинг юқори қисмидаги ҳамма тирқишлар ва ёриқлар понтоннинг устидаги инерт газнинг тентни шишириши ҳисобига зич беркитилади.



1 – таг қисми; 2 – туби; 3 – девори; 4 – сузиб юрүвчи қопқокнинг мембранаси; 5 – ҳалқали понтон; 6 – ишчи люк; 7 – нефть маҳсулоти; 8 – қаттиқлик қовурғаси; 9 – ҳалқали технологик майдон; 10 – таянч тиргаклар; 11 – йўналтирувчи тиргаклар; 12 – ёнғин химоялагичлар; 13 – инерт газ учун тирқиш; 14,15 – юқори ва пастки тент; 16 – инерт газ учун ярим доира ўрам.

4-Расм. Инерт газ учун ярим доираўрамли ишлаб чиқилган резервуар конструкцияси

Нефть омборларида резервуарлар учун понтонларни такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар ўтказилган. Келажакда саноатда ишлаб чиқариш ва пенополиуретанли (ППУ) понтонларни ишлатиш кўрсатилган бўлиб, бу материал механик, технологик ва бошқа хусусиятларнинг қулай бирикмасидан иборат.

ППУ понтонларининг таснифини бошқа нometалл материаллардан тайёрланган понтонлар билан солиштириш, таъмирлаш ва хизмат кўрсатишда соддалигини, етарли ишончли герметикликка эга бўлиши аниқланди.

№ т/р	ПВР тури	Понтон тури ёки сузиб юрувчи қопқоқли (СЮҚ)	Нефть махсулотлари буғларининг таркиби, масс.%.	Самарадорлик даражаси, %
1	Саноат ПВР	-	68,4	31,6
2	Саноат ПВР	Янги ППУ понтон	3,8	96,2
3	Демфирланган тубли янги ПВР	Понтон ва СЮҚ	32,2	67,8
4	ПВР доира ўрамли инерт газ учун	тент	4,2	95,8

Саноат ва такомиллашган ПВР атрофидаги ҳаво бўшлиғидаги таҳлиллар (3-жадв.) ҳамда ПВР сузиб юрувчи қопқокли (сузиб юрувчи понтонли) этиб ишлатиш шароитлари НКЗда сақланаётган нефть ва нефть маҳсулотлари сифатига ва енгил углеводородларнинг ялпи ташланмаларини жараённинг технологик факторларига таъсири кўрсатилган.

Диссертациянинг «Углеводород буғларининг такомиллашган технологиясини амалиётда куллаш соҳаларини тадқиқ қилиш» деб номланган тўртинчи бобида, амалий саноат тажриба синовлари ва лаборатория тадқиқотлари асосида олинган натижаларга таяниб, биз ФНҚЗнинг Олтиариқ хўжалигида тажриба синовларини ўтказдик. Олиб борилган корхонадаги саноат тажриба синовлари асосида углеводород буғларининг енгил учувчан фракцияларини юпқа деворли конденсаторларда абсорбцион конденсация жараёни механизми асосида тутиб қолиш жараёни боришининг қонуниятлари аниқланди.

Ишлаб чиқилган буғларни суяқ фазага айлантириш учун янги поғонали совитиш тизими Элликқалъа нефт омборида ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бунда иқтисодий самарадорлик Аи-80 бензини учун 166064994,0 сўм/йил Аи-91,92,93 маркали бензин учун 217158390,0 сўм/йилни ташкил этди. Самарадорлик 93% дан 96% га ошиб, нефть маҳсулотлари буғларини конденсацион-сепарацион рекуперациялашни монтаж қилишда энг мақбул вариант чуқурликда жойлашган нефтни қайта ишлаш заводларига тавсия этилди.

ХУЛОСАЛАР

1. Енгил углеводород фракцияларининг буғланиш жараёнини тизимли тадқиқотлашда нефть маҳсулотларининг хусусиятлари, резервуар курилмалари ва конструкциялари ўртасида кескин мос тушмаслиги аниқланиб, чуқурликдаги резервуарларда нефть ва нефть

махсулотларининг буғланиш жараёнини камайтириш ҳамда каземат ярим кўмилган резервуарларда ёқилғини сақлаш имкониятлари кўрсатилди.

2. Газ бўшлиғининг ва маҳсулот ҳароратининг ўзгариш аплитудасини тақрибий ҳисоблаш учун имкон берувчи эмпирик ифодалар келтириб чиқарилган бўлиб, газ бўшлиғидаги жараёнлар механизмини ўрнатиш имконияти яратилиб, бунинг асосида қуйиш-тўкиш жараёнларида бензин буғланишини миқдорий ўлчаш ва башоратлаш усуллари такомиллаштирилди. Резервуардаги очиқ нефть юзасида углеводородларнинг буғланиш динамикасини резервуарни тўлдириш вақтида «катта нафас олиш» орқали буғланиш жараёнини сонли модель кўринишида тасвирлаш мумкинлиги тавсия этилди.

3. Буғларни суяқ фазага айлантириш учун янги поғонали совитиш тизими ишлаб чиқилган, самарадорлик 93% дан 96% га ошиб, нефть маҳсулотлари буғларини конденсацион-сепарацион рекуперациялашни монтаж қилишда энг мақбул вариант чуқурликда жойлашган нефтни қайта ишлаш заводларига тавсия этилди.

4. Резервуар қобиғининг юқори қисмига махсус бир неча куб ҳажмли бўш доира белбоғ қўшиш, уни инерт газ билан тўлдириш (азот ва бошқ.) резервуарнинг ички томонида юқори ва пастки қисмига махсус мой ва бензинга барқарор икки қаватли резинали тент мустаҳкамланиши аниқланиб, нефть маҳсулотлари буғларининг таркиби 4,2%ни ташкил этиб, технологиянинг самарадорлиги 95,8%ни ташкил этиши кўрсатилади.

5. Янги ишлаб чиқилган пенополиуретанли понтон, модификациялашган оловбардош полимер композиция бўлиб, мураккаб технологик расмийлаштиришни талаб этмайди, осон, содда, нефть маҳсулотининг ёпишқоқлик коэффиценти 1,8 қийматдан 0,8 қийматга туширилиб, йўқотилиш камайиши кўрсатилади.

6. Маҳаллий хомашёлар асосида яратилган нефть маҳсулотларини буғланишини камайтириш қурилмалари ва воситаларини ишлатилиш технологияси «Ўзбекнефтегаз» МХК таркибидаги корхоналарида ишлаб чиқаришга жорий этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.04.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ХАБИБУЛЛАЕВ САИДАЗИЗ ШОХСУВАРОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СПОСОБОВ ЭФФЕКТИВНОГО
УЛАВЛИВАНИЯ ПАРОВ УГЛЕВОДОРОДОВ И СНИЖЕНИЕ ИХ
ВРЕДНОГО ВОЗДЕЙСТВИЯ**

02.00.08—«Химия и технология нефти и газа»

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2017 год

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.2.PhD/T154.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу ik-kimyo.nuu.uz и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель: **Мухамедгалиев Бахтиёр Абдукадирович**
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Икрамов Абдувахаб**
доктор технических наук, профессор

Юсупов Фарход Махкамович
доктор технических наук

Ведущая организация: Узбекский химико-фармацевтический научно-исследовательский институт

Защита состоится «__» _____ 2017 г. в «__» часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: 100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А. Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-21; email: tkti_info@edu.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института в за № __, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А. Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-21).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2017 года.
(протокол рассылки №__ от _____ 2017г.)

С.М. Туробжонов
Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

А.С. Ибодуллаев
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

Г.Р. Рахмонбердиев
Председатель научного семинара при научном совете по
присуждению ученых степеней, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире в процессах переработки нефти, транспортировке и хранении нефтепродуктов путем аварийных и естественных потерь выбрасывается более 10 млн. тонн углеводородов, что создает экологические и экономические проблемы. В технологических процессах хранения углеводородных паров в резервуарах потери за счет испарения составляют 0,4-0,6% от общего количества нефтепродуктов, тем самым улавливание углеводородных паров является один из важных актуальных проблем³. В этом случае научно-исследовательские работы направлены на снижение потерь в процессах испарения, а также на разработку новых технологий при улавливании углеводородных паров.

В настоящее время в мировом масштабе научные исследования направлены к решению проблемы связанные с испарением углеводородов и уменьшения вредных свойств, количество загрязнения окружающей среды выбросами, при переработке и хранениях нефтепродуктов разрабатываются новые технологии и конструкции, усовершенствования системы улавливания и рекуперации углеводородных паров фракций, уменьшения количества углеводородных выбросов в окружающую среду, а также достижение экономического эффекта в применении конденсации абсорбционных методов, рекуперации паров углеводородов, использования простых технологии конденсации и холодильных рабочих агентов, с целью упрощения технологии хранения, для облегчения массы изменение форму понтон, снижения потерь нефтепродуктов в процессах хранения нефтепродуктов в резервуарных парках направлены научные исследования.

С обретением независимости республики Узбекистан в снижении потери паров углеводородов в нефтеперерабатывающей промышленности, при хранении и транспортировке нефтепродуктов достигнуты определенные успехи. В этом направлении в результате проведенных мер созданы важные результаты по снижению потерь при хранении адсорбентами, поверхностно-активными веществами. Вместе с тем не уделено должного внимания к производству пенополиуретанов и конденсаторов, а также к применению их в производстве. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан предусмотрены задачи: «Подъем промышленности путем перевода ее на качественно новый уровень, дальнейшую интенсификацию производства готовой продукции на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов, освоение выпуска новых видов продукции и технологий»⁴. В связи с этим, в нефтеперерабатывающей промышленности для снижения потерь при испарении паров углеводородов важным является разработка различных конструкции понтон, резервуаров с плавающими крышами, а также сорбционных наноструктурных технологии.

³ Коннова Г.В., Оборудование транспорта и хранения нефти и газа.- Ростов н/д.: Феникс, 2007.-128с.

⁴ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 "О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан.

В этом аспекте важным считается для усовершенствование конструкций понтонных и плавающих крышами резервуарах для снижения процесса испарение и уменьшения протерть в сооружениях по хранению нефтепродуктов нефтеперерабатывающего отрасли, а также разработка сорбционных наноструктурных технологии является играет важную роль научном работе.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4707 от 4 марта 2015 года «О программе мер по обеспечению структурных преобразований, модернизации и диверсификации производства на 2015 и 2019 годы» и №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действия по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», ПП-2915 от 21 апреля 2017 года «Правовые основы деятельности инспекции по экологии и защите окружающей среды Республики Узбекистан по контролю за возникновением отходов, их накоплению, хранению, транспортировке, утилизации, переработке, закапыванию», а также в других нормативно-правовых документах, относящихся к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии Республики Узбекистан VII. «Химическая технология и нанотехнология».

